Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# ТУРКИСТОН

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1995 йил 28 январь. Шанба. № 7 (14261) تركستان TURKİSTAN

Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВОСГА ЖЎНАБ КЕТДИ

27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Умумжаҳон иқтисодий анжуманининг анъанавий учрашувида қатнашиш учун Швейцариянинг Давос шаҳрига жўнаб кетди.

Давос шаҳрида кўпдан буён жаҳондаги энг кўзга кўринган иқтисодчилар, сиёсатчилар, ишбилармонлар, йирик компаниялар раҳбарлари ва олимлар тўпланади, — деди мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистлар билан суҳбатда, — анжуман Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётган давлатлар раҳбарлари, йирик компаниялар вакиллари билан учрашиш имконини беради. Мақсадимиз уларни мамлакатимизга кўпроқ жалб этиш, тенг манфаатли алоқалар ўрнатиш, иқтисодиётимизга катта сармоялар олиб келишдир. Давос учрашувлари нафақат иқтисодий анжуман йиғини, балки сиёсий кенгаш ҳамдир. Чунки бу ерда 30 дан ортиқ давлат раҳбарлари тўпланадилар. Биз у ерда иқтисодий масалалар билан бирга, энг долзарб сиёсий масалалар ҳақида ҳам фикрлашиб олмоқчимиз.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаш Раиси вазифасини бажарувчи Э. Ҳалилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН–ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ: ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯВЕРАДИ!

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) бугунги кунда жаҳондаги энг нуфузли молия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Жамғарма турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимдаги мамлакатларга ёрдам кўрсатар экан, иқтисодиётни барқарорлаштиришга кўмаклашишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. ХВЖнинг асосий дастурлари эндигина бозор иқтисодиётини қуриш йўлига ўтган ёш, мустақил давлатларга мўлжаллангани ҳам табиий, албатта. Ўзбекистон бу давлатлар сафида алоҳида ўрин эгаллайди.

ХВЖнинг кўп сонли делегациялари Ўзбекистонга бир неча марта келиб, республикамиз иқтисодиётининг аҳволини ўрганган, қонунчилик, ислоҳотларнинг ижтимоий йўналиши билан танишган эди. Натижада халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон Республикасига катта миқдорда кредит ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. ХВЖ раҳбарияти республикамиздаги ишларнинг ҳолатини қандай баҳоламоқда? Жамғарманинг олий раҳбар органи бўлмиш ХВЖ ижроия кенгаши йиғилишида шу ташкилот директори Даниэль КАЙЗЕР бу саволга жавоб берди.

Эътиборингизга унинг нутқини ҳавола қиламиз.

— Энг аввало кенгаш аъзоларига ХВЖнинг ўтиш жараёнини қўллаб-қувватлаш учун кредит механизмидан фойдаланиш имконини берувчи қарори учун Ўзбекистон раҳбариятининг миннатдорлигини етказмоқчиман.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ХВЖ бераётган тавсиялар ва билдираётган мулоҳазаларга тегишлича амал қилинаётгани аниқ. Хусусан, 1994 йил давомида кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистондаги макроиқтисодий вазият бошқа мамлакатлардаги сингари хавфли эмас: ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши собиқ СССРдаги бошқа давлатлардагига қараганда анча кам, ишсизлик даражаси чекланган, ўтган йилдан бошлаб камомад 9 фоизга қисқариб, ички ялпи маҳсулотнинг 3,5 фоизини ташкил этди. Шу вақт мобайнида молия ва пул сиёсати мустаҳкамланиб, натижада пулнинг қадрсизланиши икки баравар камайди. Ўтган йилнинг ўзида қулай шароитда миллий валюта—сўм муомалага киритилди.

Мана шу шароитларни ҳисобга оладиган бўлсак, жамғарма билан келишилган дастур муваффақият қозонишига умид боғлаш мумкин. Бу дастур Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтишида муҳим қадам бўлади. Дастур ички макроиқтисодий вазиятни янада барқарорлаштиришга, назорат қилиб туриладиган ташқи сиёсатни дадил юритишга асосланган. Республика раҳбариятининг фаолияти бозорнинг аҳамиятини ошириш ва давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш йўли билан тузилмаларни ислоҳ қилишни кенгайтиришга қаратилган. Бу ҳол мамлакатни ички ва ташқи жиҳатдан молиявий таъминлаш учун яхши шароит яратади.

Ҳукумат қўшма бюджет камомадини 1995 йилдаги ички ялпи маҳсулот ҳажмининг 3,5 фоизи миқдорида қисқартиришга қарор қилди. Иқтисодиётни барқарорлаштиришда бюджет сиёсати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши учун биринчи навбатда маҳаллий банк тизимининг ички ялпи маҳсулот ҳажмидан икки фоиздан ошмайдиган даражадаги камомадни молиявий жиҳатдан таъминлашга мослашишига эришиш зарур. Ҳукуматнинг ёнилғи-энергетика секторига сармоя билан боғлиқ харажатларини ташқаридан молиявий таъминлаш, тахминларга кўра, ички ялпи маҳсулот ҳажмининг 1 фоизини ташкил этади. Ва ниҳоят, ҳужжат ички ялпи маҳсулот ҳажмининг 0,5 фоизи миқдорида давлат облигацияларини аҳолига сотмоқчи. Зарур даражадаги ижтимоий суғурта тизимини ташкил этишнинг маълум шарт ва талаблари ҳисобга олинган ҳолда бу вазифаларни амалга ошириш йўлида дуч келинадиган қийинчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди, албатта.

Аҳолининг даромадини ошириш ва яхши йўлга қўйилган солиқ сиёсати туфайли пул даромади ички ялпи маҳсулот ҳажмига нисбатан 4 фоиз кўпайиши кутилмоқда. Республика ҳукумати харажатларни чеклаш учун куч-ғайрат сарфлашда давом этмоқда, бу харажатлар ички ялпи маҳсулот ҳажмининг 5,5 фоизидан ошмаслиги керак. Иш ҳақи, аҳолининг муҳофаза қилинмаган гуруҳларига нафақа тўлаш борасида оқилона сиёсат юргизилмоқда.

Ҳукумат аҳолининг каттагина қисмини ташкил этадиган кам даромадли оилаларга нафақа бериб, ижтимоий суғурта соҳасида ҳам собитқадамлик билан иш юритмоқда. 1994 йил октябридан бери бундай оилалар энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида пул олдилар. Пенсия сиёсатини олсак, ҳукумат 1995 йилнинг ўртасигача индекслашнинг янги тизимини ишлаб чиқади. Бу тизимга асосан, энг кам пенсиялар муҳофаза қилиниб, барча пенсия харажатлари чекланади.

Ўзбекистонда изчил пул-кредит сиёсатига қатъий риоя қилиш давом этмоқда. 1994 йилнинг ўртасидан бошлаб пул-ҳисобот интизоми мустаҳкамланди. 1995 йил июн ойининг охирига келиб Марказий банкнинг банк тизимига ҳар ҳафтада ўтказиладиган кредит аукционлари орқали тушадиган кредитлари ҳиссасини 50 фоизга қадар кўпайтиришга ҳам катта куч сарфланади. Марказий банкнинг 225 фоиз даражасида ўрнатилган қайта молиявий таъминлаш ставкаси йил охирига келиб, пул қадрсизланишининг ўтган ва тахмин қилинаётган даражасига мувофиқ равишда ҳар ойда ўзгариб туради. У кредит аукционлари бозоридаги фоиз ставкалари билан тўла боғлиқ бўлади.

Сармояларни зарур даражада ҳимоялаш учун республикада жорий тўлов балансининг сезиларли равишда, бироқ назорат қилиб туриладиган даражада ёмонлашувига йўл қўйилган. 1995 йилда жорий ҳисобидан 670 миллион АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Бу камомаднинг катта қисми турли хорижий пул манбалари ҳисобидан қопланади. Демак, Ўзбекистон 250—275 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўланмаган фарққа дуч келади. Бу фарқни ХВЖ ва Жаҳон банки тўлдириши мумкин. Шунинг учун ҳам маслаҳат гуруҳининг 1995 йил 1 мартга мўлжалланган йиғилиши бутунлай узоқ муддатли лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш ва техник ёрдамни мувофиқлаштиришга бағишланади.

Республикада яқин йилларда ташқаридан энергия олиб келишни сезиларли даражада қисқартириш мўлжалланмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Бошқа томондан эса, хомашё ва ишлаб чиқариш маҳсулотларини экспорт қилишнинг кўпайиши кутилмоқда. Бунинг натижасида жорий камомад аста-секин камайиб боради ва 2000 йилга келиб ички ялпи маҳсулот ҳажмининг 2 фоизи даражасига етади. Қарзни тўлаш коэффициенти камайиб, аср охирига келиб 1995 йилдаги 18,5 фоиздан 11,5 фоизга тушади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ўзининг хорижий қарзларини осонлик билан тўлайди.

Ўзбекистонда хорижий валюталар аукционларида аниқланадиган маълум алмашув қийматига эришишга уринишмайди. Марказий банк мудоҳаласи кескин ўзгаришларни юмшатиш йўли билан чекланади. Ягона алмашув қиймати белгилаб қўйилган. ХВЖ кўмагида жорий валюта алмаштиришни йўлга қўйишга қаратилган аниқ валюта бошқаруви ўрнатилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ даромад ва фойдаларни эркин тарзда ўтказиш йўлга қўйилган, сармоялар бўйича барча хорижий ҳисоб-китоблар бозор алмашув қиймати бўйича амалга оширилмоқда.

Нарх-навога эркин тус бериш борасида ҳам муҳим ютуқлар қўлга киритилади. Қанд-шакар, ёғ ва унни талон орқали тақсимлаш тизими 1995 йилда бекор қилинади. Айрим моддаларни истисно қилганда даромадни чеклаш 1994 йилнинг охирида бекор қилинган эди. 1995 йил охирида нефт ва нефт маҳсулотларининг нархи жаҳон даражасига етказилади. Иситиш, иссиқ сув ва тураржой қурилиши тизими учун олдинги ҳолда қолдирилган бюджет таъминоти 1995 йилда ялпи миллий маҳсулотнинг 2,5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида хусусийлаштириш дастури асосан уй-жой қурилиши ва кичик корхоналарга қаратилган эди. 1994 йилда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, жумладан тураржойни бемалол сотиш ёки ижарага қўйиш ёки ундан гаров тариқасида фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ва мустаҳкамлаш мақсадида янги қоидалар қабул қилинди. 1995 йил июн ойининг охирига келиб, ёпиқ тусдаги катта ва ўртача акционерлик жамиятларининг 50 фоизга яқин қисми очиқ тусдаги жамиятларга айлантирилади. Ҳукумат Жаҳон банкининг катта ва ўрта корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришни тезлаштиришга қаратилган хусусийлаштириш дастури хусусидаги таклифларига қўшилди. 1995 йил март ойининг охирига келиб оммавий хусусийлаштиришнинг янги тартиби қабул қилинади. Июн ойининг охиригача ҳукумат хусусий секторни ривожлантириш учун қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишни тугаллайди. Давлат назорати остида қоладиган барча корхоналар қаттиқ бюджет сиёсати назорати остида бўлади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги секторидаги ислоҳотлар давом эттирилади. Ҳосилга давлат буюртмалари аста-секин тугатилади. 1995 йилнинг ўртасига келиб 25 фоиз, йил охирида эса 40 фоиз суғориладиган ер хусусий фермерлар ва уларнинг оилаларига ижарага берилади.

Бюджет сиёсатини бошқариш эса, харажатларни қаттиқ назорат қилиш орқали амалга оширилади. 1995 йил учун зарур бўлган барча бюджетдан ташқари фондлар ҳозир бюджетга киритилган. Бюджетга, шунингдек хорижий валютадаги даромад ва харажатларнинг ҳам анча қисми аукционда сўмга нисбатан белгиланган қиймат ҳисобида киритилган. Хорижий валютадаги бюджет даромад ва харажатнинг чекланган қисми учун 1995 йилнинг охиригача сақлаб турилади холос, бироқ март ойининг охирига келиб бу операциялар тўла очиқ ҳолда ўтказила бошлайди. Ҳокимият бу пайтга келиб давлат хазинасини барпо этишнинг янги режасини эълон қилишни мўлжаллаб турибди.

Марказий банк ва банк тизимини мустаҳкамлаш ислоҳотлар дастурининг марказий қисмини ташкил этади. 1995 йилнинг ўртасига қадар Марказий банк мустақиллигининг юксак даражасини кафолатлайдиган янги қонун кучга кириши керак. Ўзбекистоннинг расмий заҳиралари аста-секин Марказий банкка ўтади. 1995 йил март ойининг охирига қадар жаҳоннинг машҳур тафтиш компаниялари республикадаги бешта йирик банкнинг ишини тафтиш қилади. Бажарилмаган активларни бошқариш ҳажмлари эса, июн ойининг охирига белгиланади. Шунингдек банк тизимини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган турли тартиблар ҳам бекор қилинади.

Ҳукумат савдога ҳам эркин тус бермоқчи. Экспорт солиғи ундириладиган моллар рўйхати аста-секин камайтирилиб, 80 дан 26 тага тушди, кейин эса 11 тага туширилди. Ҳукумат жаҳон банки ёрдамида ҳамон миқдори белгилаб қўйиладиган пахта экспорти лицензияларини тўсиқсиз бериш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этишга тайёр. МДҲ иштирокчилари ва иштирокчилари бўлмаган давлатларнинг солиқ шартномалари бир шаклга солинган.

Ўзбекистон ҳукумати ташқи қарзни кузатиб туриш, баҳолаш ва уни бошқариш механизмини ишга туширди. У ташқи қарз даражаси ва мукаммал тузилмаси ташқи қарзнинг тахмин қилинаётган бошқариш даражасига, шунингдек халқаро валюта жамғармаси билан келишилган шартларга мос келишини кафолатлайди.

Ўзбекистон раҳбарияти дадил ҳаракатларсиз муваффақиятга эришиб бўлмаслигини яхши ҳис қилади. Шунинг учун бу ерда ХВЖ билан биргаликда кейинчалик иқтисодий ислоҳотларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашадиган кенг кўламли иқтисодий дастурни ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда.

Жамғарма Ўзбекистонга молия ва статистика сингари соҳалар бўйича бундан кейин ҳам ёрдам бериши лозим. Кўриниб турибдики, ХВЖ билан бошланган ҳамкорлик жараёнининг келажаги порлоқ.



Яратувчилик сурури

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

*1995 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси Қ. Аҳмедов бошқарди.*

Комиссия 1994 йил 25 декабрда бўлган сайловда ва 1995 йил 8 январда бўлган қайта овоз беришда овозга қўйилган номзодларнинг бирортаси Олий Мажлис депутатлигига сайланиш учун сайловчилар овозининг зарур кўпчилигини ололмаган 7 та сайлов округида шу йил 22 январь куни бўлиб ўтган такрорий сайлов якунларини кўриб чиқди.

Такрорий сайловда 326 минг 512 киши иштирок этди, бу мазкур сайлов округларида рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг 91,6 фоизини ташкил этади. Бухоро вилоятидаги сайлов округида сайловчиларнинг 98 фоизи, Сурхондарё вилоятидаги учта сайлов округида 91,4 фоизи, Фарғона вилоятидаги бир сайлов округида 92,4 фоизи ва Қорақалпоғистон Республикасидаги иккита сайлов округида 88 фоизи овоз берди.

7 та сайлов округининг ҳаммасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатлар сайланди: икки депутат Халқ демократик партиясидан, икки депутат «Ватан тараққиёти» партиясидан ва уч депутат маҳаллий ҳокимият органларидан сайланди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган протоколлар ва бошқа зарур ҳужжатларни кўриб чиқиб, такрорий сайлов натижасида сайланган Олий Мажлис депутатларининг ҳаммасини рўйхатга олди. Шу тариқа Ўзбекистон Республикасининг ваколатли ва қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи — 250 депутатдан иборат биринчи чақириқ Олий Мажлис депутатларини сайлаш ниҳоясига етди. Халқ демократик партиясидан 69 депутат, «Ватан тараққиёти» партиясидан 14 депутат ва маҳаллий ҳокимият органларидан 167 депутат сайланди.

Олий Мажлис биринчи сессияси биринчи мажлисини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### Б. О. ТОШМУҲАМЕДОВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси — академик Бекжон Ойбекович Тошмуҳамедовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 январь.

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### Р. А. ХАЧАТУРОВГА ОЛИЙ МАЛАКА ДАРАЖАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунига ва судьяларнинг малака даражалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси Роберт Альбертович Хачатуровга олий малака даражаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 январь.

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### В. И. ТЮРИКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт ва журналистика соҳасидаги кўп йиллик самарали ижодий фаолияти ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун ёзувчи — Владимир Иванович Тюриков Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 25 январь.

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлисини 1995 йил 23 февралда Тошкент шаҳрида чақиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларидан кўрсатилган Олий мажлис депутатларининг таклифига кўра сессия кун тартибининг лойиҳасини ва бошқа ҳужжатларни тайёрловчи ишчи гуруҳи тузилди.

*Ҳозирги ёшлар*

## МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР-КЕНГАШ

... Ўсмир жиноятга қўл урди. Ҳаёт деб аталмиш муқаддас кошонага мустақил қадам босиб улгурмаёқ йўлдан адашди. Эътиборсизлик, бефарқлик оқибатида навқирон йигит ўз ўртоқларидан фарқли ўлароқ, ёшлик мавсумининг тоза булоқларидан мириқиб симириш ўрнига темир панжара ортига равона бўлди. Дарҳақиқат, келажаги буюк давлатимизнинг умиди бўлган айрим ёшларнинг мана шундай аянчли тақдири ҳар биримизни уйга толдирмоқда. Нега шундай нохуш ҳоллар содир бўлаётир? Муаммони ҳал этиш учун нима қилмоқ керак?

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва республика Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан бошланган минтақавий семинар-кенгашлар худди шу саволларга атрофлича жавоб топиш-вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мавзуига бағишланган. Ушбу семинар-кенгашнинг дастлабкиси 26-27 январь кунлари Фарғонада бўлиб ўтди. Унда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ички ишлар бошқармалари ҳамда Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари вакиллари, шунингдек, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашдилар.

Тадбирнинг биринчи куни унинг иштирокчилари Қўқон шаҳар милициясининг вояга етмаганларни қабул қилиш ҳамда тақсимлаш муассасаси ишини ўргандилар, тажриба алмашдилар. Иккинчи иш кунида эса Фарғона шаҳар ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлиги ва Марғилон шаҳридаги 1-болалар уйи фаолияти билан танишдилар.

Семинар-кенгаш ишида республика Ички ишлар вазири ўринбосари Б. Парпиев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби А. Тешабоев, вилоят ҳокимининг муовини О. Холматовлар иштирок этдилар.

Л. ТАНГРИЕВ,
Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси матбуот хизмати бошлиғи.

## ҚАРДОШЛИКНИ УЛУҒЛАГАН КУЙЧИ

*Қутлуғ кун*

БИЗНИНГ мустақил она диёримизда турли миллат фарзандлари яшайди. Улар ичида маданият, шу жумладан адабиёт ва санъат соҳасида ижодий меҳнат қилиб келаётган ҳамкасб дўстларимиз бор. Улардан бири таниқли рус ёзувчиси ва журналисти Владимир Иванович Тюриковдир. У тиниб-тинчимас ижодкор. Халқимизнинг бугунги ҳаёти, бой ўтмиши тарихи уни қизиқтиради. Бу соҳада унинг бир қанча китоблари нашр этилган. Шулардан бири 1994 йилда Тошкентда рус тилида чоп этилган «Ўн аср» деган ўзбек адабиёти ва маданияти тарихига оид шаҳодатнома тарзидаги энциклопедик китобдир. Бу китобга у 5 мингдан ортиқ тарихий шахслар, воқеалар ва бизнинг она Ватанимиз ҳақида фикр юритган, ёки унинг ўтмишига, долғали ҳаётига тааллуқли сўзлар айтилган, шунингдек турли халқлар вакилларининг Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ умр йўллари тўғрисида ҳам баённомалар берилган.

Владимир Тюриков Удмуртия жумҳуриятида бундан етмиш йил аввал туғилиб ёшлигидан Ўзбекистонда яшаб келаётган қалам соҳиби. Асли геолог бўлган бу ижодкор ўз юртидаги кончилар техникумини битиргандан кейин 1942 йилда Тошкентга ишга келади. Бу ерда геология бошқармасига қарашли хўжаликларда бир йил ишлаганидан кейин уни 1943 йилда Юқори Чирчиқ ҳарбий Комиссари чиқариб, Туркманистоннинг Мари шаҳридаги пулемётчилар мактабига юборади. Бу вақтда айни ёз палласи, яъни 1943 йил саратонида жанггоҳларда оғир, шиддатли жанглар кечаю-кундузи давом этарди. Армияга янги жанговар кучлар керак бўлади. Ўша йилнинг август ойида ҳарбий пулемётчилар мактабининг ҳамма курсантларини шошилинч равишда фронтга жўнатишади

(Давоми 2-бетда).



# ЯНГИ НОМЛАР

*Мағрибу-машриқдан*

## НЕМИС ХОНАДОНИДА БИР КУН

Акром ҲАЙДАРОВ — кузатувчан ижодкор. Мушоҳадага ўч. ТошДУнинг журналистика куллиётида сиртдан таҳсил олади.



Ҳарбий хизматга бормасдан аввал чет эллар ҳаёти билан танишишни, уларнинг турмуш тарзи, маданияти ва нималарга қизиқувчан бўлишини билишни истардим. Лекин у пайтларда чет элга чиқишга ҳеч қандай йўл йўқ эди. Хайриятки, ҳарбий хизматни Германияда ўташга тўғри келди. Хизмат ва у ернинг шароитига ўргангач, немислар билан алоқалар бошланиб кетди. Биз хизмат қилаётган шаҳардан 4 — 5 чақирим узоқ бўлган жойда бир қишлоқ бор эди. У ерда яшовчи Коскерт фамилияли немис оиласи билан танишишим уларнинг яшаши, ишлари, маданияти, хислати, муаммоалари ва орзуларини билишга ёрдам берди.

Апрель кунларининг бирида қисмимизнинг шодиёнаси муносабати билан байрам нишонланаётганди. Байрам кўринишларини видеолавҳага олиб юрган бир немис кишиси бизнинг Узбекистондан эканлигимизни билиб, биз билан суҳбатлаша кетди. Бу ердаги аскарлар ичида икки киши — мен ва дўстим Уткир ўзбек эдик холос. Узини Гевард Коскерт деб таништирган немис кишиси аввало Узбекистоннинг тарихий ёдгорликлари ва ҳозирги ҳаёти билан қизиқди. У кишининг Бухоро, Самарқанд, Хива зиёратгоҳ жойлари ҳақида ва Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек каби алломаларимиз ҳақида анча маълумотларни билиши бизни жуда хурсанд этди. Яқин йилларда юртимизга саёҳат қилишни дилига тугиб қўйганини айтди. Анча суҳбатлашгач, уйига боришимизни илтимос қилди. Гевард Брат (у кишини баъзан брат ёки Камрат яъни ўртоқ амаки дея атар эдик) билан байрам тугагач хайрлашдик. Орадан анча кун ўтиб, Уткир билан иккаламиз у яшаётган Цоссен қишлоққа жўнадик. Гевард брат қишлоқ деб атаган бу посёлка ҳеч қандай чет эл шаҳарларидан қолишмас эди. Теп-текис бир томони уйлар бўлса, бир томони катта дўкон, ресторан, болалар майдончаси, мевали боғлар бўлиб, қишлоқ кўркига-кўрк қўшарди. Юрган кишининг димоғига ёқимли гуллар ҳид урарди. Қишлоқда машиналар қатнови кўп бўлса-да на чанг, на гард бор, гўёки ҳамма нарса артиб қўйилгандек беғубор кўринарди. Анча юриб томоша қилгач, у киши айтган 18 рақами ёзилган дарвоза ёнида тўхтадик. Тақиллатгач, Гевард брат чиқиб бизни очиқ чеҳра билан ичкарига таклиф этди. Дарвозадан кирар эканмиз, ҳовлининг икки тарафига анвойи ҳидли гуллар экилганини кўрдик. Ёнида кичик фаввора ва олма дарахти шохига илиб қўйилган қафаслардаги тўти, саъва ва ҳар-хил қушларнинг сайраши бу ерда бўлган кишига ором бахш этарди. Гевард брат бизни фавворалар қаршисидаги соябон тагидаги ўриндиқларга таклиф этди, сўнг нима ичишни хоҳлайсизлар, чойми, ё кофеми дея ичкаридан хотинини чақириб немисча сўз қотди. Стол усти кока-кола, коньяк, ҳар хил бошқа ичимлик ва миллий егулик таомлари билан тўлди.

Бизларга салом бериб, хотини ва қизи ҳам ўриндиқларга ўрнашди. Гевард брат уларга биз ҳақимизда аввалроқ айтган шекилли бизга қизиқсиниб қаради, рус тилини билмагани учун бизлар ҳақда маълумотни Гевард Комратдан оларди. Шундан кейин улар билан суҳбатимиз бошланиб кетди. Уларнинг оиласи 4 кишидан иборат эди. Гевард брат, хотини, ўғли ва қизи. Ўғли олий ўқув юртида таҳсил оларкан, қизи махсус мактабни битирган, эрмаги қафасдаги қушлар экан.

Биз суҳбатлашар чоғи очиқ дарвозадан «ФОРД-эскорт» машинасида биз тенги бир йигит кириб келди. Бизлар билан кўришиб немис тилида сўраша кетди. Гевард брат ўз тилида унга бизнинг ўзбек эканлигимизни айтгач тушунарли дегандек кулиб, олдимизга ўтирди. Сўнгра Гевард брат ўғли Штефанни бизга таништирди.

Штефан эса стол ўртасида турган «Смирноф»ароғини очиб, танишганимиз учун дегандек имо қилиб қадаҳларга қуйиб, ичишимизни илтимос қилди. Гевард Камрат орқали Штефан билан суҳбатимиз қизигандан қизиб кетди. У ҳозир Бранденбург шаҳридаги техника институтининг III-курс толиби эканлигини, техникага қизиқиши ва яқинда курсдошлари билан кичик тракторлар учун мўлжалланган янги двигетелни курс иши сифатида чиқаришларини айтиб берар, отаси эса бизларга таржима қиларди.

— Штефаннинг умиди катта,— дейди қувониб Гевард брат,— у бир йиллдан кейин ўқишни битириб, «Волсваген» двигатель заводида инженер бўлиб ишлай бошлайди.

Бизларга уларнинг айтаётган гаплари худди афсонавий туюларди. Биз қайтишимизни айтиб, улар билан хайрлашиб йўлга тушдик. Немисларнинг ҳеч қандай муаммосиз, беташвиш ва тинч ҳаёт кечиришига сабаблар нима эқани бизни жуда қизиқтирди.

Шу учрашувдан кейин бу хонадонга яна 3 - 4 бора келдим. Бу пайтларда кўпгина воқеаларнинг гувоҳи бўлиб, уларнинг тўқ яшашига бир-бирларининг ораларида низо, алдов, кўролмаслик, ғийбат каби иллатларнинг ва энг ёмон нарса бўлган ўғрилик йўқлиги сабаб эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Акром ҲАЙДАРОВ.

---

*Санъат*

## САҲНА САЛТАНАТИГА САЙР

Муқаддас Аҳмаджонова — 1969 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабаси. Театр танқидчилиги билан жиддий шуғулланаётган иқтидорли ёш санъатшуносларимиздан.



Театр ва томошабин ўртасида эълон қилинмаган «уруш» бошланиб кетганига ҳам анча бўлиб қолди. Бу ҳақида матбуотда ва бошқа жамоат йиғинларида обдон гапириляпти. Кимдир театрни айбласа, кимдир томошабинларни «калтаклаяпти». Ҳа, ҳар икки тараф ҳам ўзларича ҳақ. Муаммо тугуни эса тобора қаттиқлашаяпти.

Мен ҳам санъатсевар бир мухлис сифатида театр ҳаётини анчадан буён кузатиб келаман. Мени, айниқса, бугунги кун спектаклларининг савияси, актёрларнинг ижро усуллари қизиқтириб келади. Зеро, айнан шу омиллар томошабинни театрга сеҳрли оҳанрабодай чорлаб турадир.

Маълумки, пойтахтимизда «Театр, Шарқу Ғарб» деган халқаро фестивал бўлиб ўтганди. Бу ажойиб анжуман Ҳамза номидаги республика Давлат Академик драма театри саҳналаштирган В. Шекспирнинг «Кориолан» спектакли билан очилди. Бу томоша бундан бир неча йиллар аввал саҳналаштирилган эди. Одатда, спектакллар йилдан-йилга, саҳнадан-саҳнага сайқал топиб, такомиллашиб боради. Афсуски, «Кориолан» бундай бахтдан бенасиб қолган экан. Сабаби у икки йилдан бери саҳна юзини кўрмаган эди. Бу ҳийла ачинарли оқибатларга олиб келди. Мен бу аҳволга «Кориолан» фестивалга қўйилишдан бир неча кун аввал томошабинлар учун намойиш этилганда гувоҳ бўлдим.

Актёрлар текст ва монологларни анча унутиб қўйишган. Саҳнавий жанглар, ҳатти-ҳаракатлар, сунъий диологлар кишининг энсасини қотирарди. Энг ёмони, спектакл тугагач барча театрларда анъанага айланган актёрларнинг томошабинлар билан хайрлашув маросими масхаромуз тус олди. Саҳнага бош ижрочи Теша Мўминов ва охирги кўринишда ўйнаган уч актёр чиқиб томошабинларга таъзим бажо этди, холос. Қолганлар аллақачон жуфтакни ростлаб қолишганди. Бу ҳол шунақасига ҳам театрга ола қараб юрган томошабинларда қандай таассурот қолдириши асло сир эмас. Шу ўринда, алоҳида изоҳ бериб ўтишни хоҳлардимки, «Театр, Шарқу Ғарб» Халқаро фестивалида «Кориолан» спектаклини намойиш этиш ошкора ғашга тегади. Унинг ўрнига, миллий маданиятимизни ўзида акс эттирган маҳаллий муаллифларимиздан бирортасининг асари асосида тайёрланган ўз спектаклимизни қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, театр миллат қиёфасини ўзида акс эттирувчи улуғвор кўзгудир. Нуфузли Халқаро фестивалда катта бир халқнинг катта театридан, очиқ гап, барча қатнашувчилар ана шу ўзига хосликни кутишганди.

Энди икки оғиз сўз бошқа масала ҳақида.

Маълумки, режиссёрларнинг энг улуғ вазифаларидан бири актёрларнинг янги қирраларини кашф этишдир. Сўнгги пайтларда эса актёрларга аввалги яратган ролларига қараб деярли ўша қолипдаги ролларини бериш одат тусига кириб қолди. Бир-бирига ўхшаш ролларни кетма-кет ўйнаган актёр эса вақт ўтиб ўзгача ролларга кўнгилдагидек ёндошолмаяпти. Мисол учун, ёшлар ичида ўзининг иқтидори ва салоҳияти билан ажралиб турадиган актёр Беҳзод Муҳаммадкаримов Алишер, Абдулатиф, Анвар каби бош ролларни муваффақиятли ижро этиб келди. Оқибатда «Абулфайзхон» спектаклида хизматкор образини кўнгилдагидек ятатолмади. Агар ўша томошада эътибор берган бўлсангиз, хизматкорнинг хўжаси олдидаги ҳатти-ҳаракатлари табиийликдан йироқ, аслзодаларга хос эканлигига гувоҳ бўласиз. Бу қусурлар, бир қараганда майда-чуйдадек кўринади. Бироқ худди, шу майда-чуйдалар актёр ижодида кейинчалик катта аҳамият касб этишини унутмаслигимиз зарур. Бу оддий ҳақиқатни режиссёрларимиз биздан ҳам кўра аълороқ тушунишади.

Спектаклларимизнинг ҳар тарафлама мукаммал бўлишида рассомлар улуши ҳам ўта муҳимдир. Аммо, кейинги пайтларда саҳналарда баъзи ҳоллар кузатилаяптики, бундан ташвишланмай илож йўқ. Масалан, кўп жойларда спектаклдан спектаклга ўтиб келаётган бир хил нусхадаги декорациялар, томоша руҳига мос келмайдиган безаклар томошабин кўнглини ғашлайди. Саҳналардаги камчиликлар, спектакллардан баъзи бир қусурлар ҳақида сўз юритарканман ҳеч қачон бугунги кун театрларимизнинг ажойиб муваффақиятларига соя солишни истамайман. Танқидий назардан мақсад—саҳна санъатини янада юксакларда кўришдир, холос...

Муқаддас АҲМАДЖОНОВА

---

Шавқиддин БАҲРИ — ўзига хос шоир. Ёш бўлса-да, дунёни англашга, мушоҳада қилишга интилади. Мисралари хазин. Лекин унинг ортида улкан бир қувонч ётгандек туюлаверади. Илоҳим, шу рост бўлсин.



## ҲИЖРОН БАЛЛАДАСИ

I

Суюнчим. Сиғинчим. Меҳр бер!..
Мижгонимда гуллади хазон,
Сен мен учун оппоқ гуллар тер,
Қизил гулим айтмади азон.

Мен қабрга сиғмадим ахир,
Жоним сенга сиғдими қабрим?
Кутдим. Кутавердим. Кутинчим...
Кутинчим. Куйинчим. Куйди сабрим.

Биз бошқа бошқамиз. Муҳаббат—
Сариқ гулим қучоғида ёт.
Фақат...
Орамизда жардай меҳр бор,
Ўртамизда тоғдек хиёнат.

II

Нигоҳингдан кетолмадим ҳеч...
Кўз ёшингда Алпомиш, Тоҳир.
Мен ўзимга етолмадим ҳеч,
Мен ўзимдан айрилдим охир.

Ғафлатнинг қўллари бўғзимда,
Бўғзимд ғафлатнинг тиллари.
Қўлимдадир қон қизил гулим,
Сап-сариқ гулимнинг силлари.

Сен кетдинг. Мен кетдим. Ўкинчим.
Қабоғингда тутандиқ абр.
Қолди...
Қучоғимда зилдайин сукут
Юрагимда осмондай қабр.

## ЖОДУ ГУЛЛАРИ

### ТУРКУМДАН

I

Кўройдин кўксимни кўр ойдин,
Кўройдин. Бу сўнгги тантана.
Кетасанми кўм-кўк келгимни,
Кетасанми сочиб фалакка
(Бу мен-ку мана).
Кўзимда хаёлнинг овозалари,
Нурай бошлар қип-қизил сана.
Кўройдин. Бу сўнгги гуноҳим.
(Бир боққин яна).
Фаришталар ўйнар руҳимда,
Фаришталар қилар тантана,
Ҳозир... ҳозир... Ёнади жоним.
(...Яна).
Кўройдин кўксимни кўр ойдин,
Топсам... Яна чиркинди ридо.
Кетсам... Яна сен тамон кетдим,
Севасанми сен мени Худо?!

II

Ястаниб ётарди сабрзор,
Гўзал эди сап-сариқ дунё.
Гул ҳидини ҳидларди гулзор,
Ястаниб ётарди сабрзор.

Шундай мовий йўқликларда мен,
Бу дунёдан мен кетган кеча,
У бор эди, бор эди ахир
(Ё раббим, кеча).

Ястаниб ётади... Сабрзор.

***

...Ҳали кутиш мумкин бемалол,
Умид қилса бўлар умидсизликдан.
Чунки илдизи йўқ хаёлнинг,
Чунки қувраб қолган киприклар.

Шу кўзлар...
Алдамаса эди шу кўзлар
Шом ҳидида товланмасди тонг.
Хайр энди, хайр, биз бирга
Яшамаслик учун ичмаймиз қасам.
Ахир туннинг ҳидини ҳидлаб
Яшаш мумкин тонгда бемалол.

Шавқиддин БАҲРИ.

---

*Муносабат*

## ҚАЙДАСАН, МУҚАДДАС ТУЙҒУ?

Моҳигул УКТАМ қизи — Бухоро вилоятида туғилган. Тошкент Давлат университети журналистика факультетида сиртдан ўқийди. Шеър ва мақолалари жумҳурият матбуотида чоп этилган.



Оила... Мана шу кичиккина сўз бағрида қанча масъулият, меҳр-муҳаббат, ғам-ташвиш-у шодлик, бари-бариси мужассам. Оила—икки инсонни бир-бирига бир умр боғлаб қўядиган муқаддас тугун. Оллоҳ аввало икки жинсдаги инсонни муҳаббат билан, кейин эса фарзанд билан, сўнгроқ эса... тирикчиликнинг битмас-туганмас муаммолари билан боғлаб қўяди...

Касбим тақозоси биланмикан, аёллар даврасида кўп бўламан. Кўпгина учрашувлар, суҳбатлар давомида эса уларнинг ҳаётларидан кўплаб ҳикоялар тинглайман. Лекин афсуски, менга таниш бўлган аёллар орасида оиласидан ажрашганлари бор. Уларнинг чеҳрасига боққанимда сохта бахтиёрлик орқасига беркинган аламни, ўкинчни кўргандай бўламан. Шунда беихтиёр «аёл ўзини бахтиёр кўрсатишга уриняптими, демак, бахтиёр эмас», — деган гапни эслайман. Юқорида айтиб ўтганим, айрим аёллардан эшитган ҳикоялардан баъзиларини эслаб ўтишни жоиз деб топдим...

Аслида улар бор инсонлар. Минг хил мулоҳазаларга бориб уларнинг фамилияларини кўрсатмадик.

ЖАМИЛА (26 ёшда, боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди):

3-болам туғилгач, эрим туйларда юрадиган бир аёлга илашди. Болаларим ҳурмати уни кечирдим, у бўлса касалхонадан чиқиб, тўғри ўша аёлникига кетибди. Шунда... чидолмадим. Болаларимни олдим-у, уйдан чиқиб кетдим. Эрим бўлса, ҳозир ўша аёл билан яшаяпти.

ГУЛНОРА (25 ёшда, уй бекаси): Ота-онамизнинг қаршилигига қарамай, Камол билан севишиб турмуш қургандик. Тўйдан кейин ишни ҳам йиғиштириб қўйди. Иккинчи боламиз туғилгач, бутунлай айниди. Мени сабабсиз урадиган, сўкадиган одат чиқарди. Ҳатто болаларнинг нафақа пулларигача олиб, ичкилик учун сарфлайдиган бўлди.

МАКТУБА (31 ёшда, журналист): Одилбек билан севишмаган бўлсакда, бир-биримизни таниб-билиб турмуш қургандик. Бир куни у 14-15 ёшлардаги қизни уйга бошлаб келди. Одилбек билан иккаламиз ҳамкасб бўлиб, ўшанда у вилоят газетасида ишлар, бу қизалоқ эса унга шеърларини кўрсатиш учун олиб келган экан. Одилбек эса уни мен шеърлар машқ қилиб юрганлигим сабабли мендан маслаҳат олиш учун бошлаб келибди. Ўшанда эндигина биринчи ўғлимиз туғилган эди... Дилором (ўша қиз) токи ўрта мактабни тугатгунича уйимизга келиб-кетиб юрди. Учинчи фарзандимиз дунёга келган кунлар Одилбек уйга келмай қолди.

Қишлоғимизга борсам, «дув-дув» гап. Одилбек Дилоромни ота-онасининг уйига олиб борибди. Биз шаҳарда алоҳида яшардик. Мендан қонунан ажрашмасдан унга уйланибди. Хуллас, 25 ёшимда уч бола билан бир ўзим азим шаҳарда қолиб кетавердим. Ундан ҳатто алимент хам талаб қилгим келмади...

Бу ҳикояларни тинглаганимда даҳшатга тушгандим. Наҳотки баъзи эркакларимиз шу қадар айниб кетишяпти? Асрлар давомида энг нодир меросимиз бўлиб келаётган инсоний меҳр-муҳаббат туйғулари қаёққа йўқолди? Бу ҳикояларни эътибор бериб тинглаган, ўқиган бўлсангиз, қаранг, ҳаммасининг замирида хиёнат ётибди. Бири-биридан малоҳатли бу аёлларни эсласам, дод солиб йиғлагим келади. Эҳтимол, уларни ҳам ҳамма масалаларда оқлаб бўлмас. Аммо аёлидан ажрашаётган эркак нимага ҳеч бўлмаганда бегуноҳ жигарпорасини ўйламайди?

ГУЛҲАЁ (27 ёшда, ҳисобчи): Фахриддин билан кўп йиллар севишиб юрдик. Аммо оталаримизнинг ўзаро келишмаслиги оқибатида, у менга эмас, бир ҳамшира қизга мажбуран уйланди. Фахриддин хотинини ўртада фарзанд бўлса-да яхши кўрмайди. Улар яқинда ажрашишмоқчи. Ва... биз турмуш қурамиз.

— Виждонингиз қийналмайдими? — сўрайман ундан.

— Йўқ, — дея пинагина ҳам бузмай жавоб беради у. — Ахир бизни куч билан ажратишди.

Унинг сўзларини тинглаб, ҳайратда қоламан. Чунки у ҳам ўзича ҳақ. Гулҳаё ҳам ўзини «бахтим учун курашяпман», деб ҳисоблайди. Аммо нима учундир бошқа бир аёлнинг боласи билан чирқираб қолишини ўйламаяпти. Ўша аёлнинг ҳам худди ўзи сингари орзу-умидлари борлигини тан олгиси келмаяпти. Хўш, буни нима деб аташ мумкин? Худбинликми? Нима бўлганда ҳам бу ҳолат яхшиликка етакламайди.

Яна ўйланиб қоламан. Бизга кўпинча тантилик, бағрикенглик етишмаслигидан куйиниб кетаман. Тўғри мукаммал ҳаёт ҳам, комил инсон ҳам йўқ. Чунки беайб парвардигор дейишади. Аммо нима бўлганда хам ХИЁНАТ дан қоча билишимиз керак.

Қачонлардир, кимдандир эшитган бир гапни эслайман. «Эркак ўзининг аёлидан топмаган нарсани бошқадан излайди...» Бу қанчалар аччиқ бўлса-да ҳақиқат эканлигини тан оламан. Эркак қидирган нарса нима: чиройми, меҳрми, севгими, алдовми, яхши муомилами, нима ўзи? Бироз танти, меҳрли бўлсак, чидамли бўлсак, о, қанийди?

Лобар аёллар! Мени айблашга шошилманг. Ҳозир туғён ураётган қалбим садоларини қоғозга тушираяпман-у, ўзимнинг ноҳақ ёки ҳақлигимни билолмай лолман. Фақат ОИЛА деб аталмиш Муқаддас Бирлик сақланиб қолсин, унинг титкиланиб кетишига биз сабабчи бўлишдан сақланайлик дейман, холос.

МОҲИГУЛ ЎКТАМ қизи.

---



Бизнинг айвон Сизнинг айвон эмасми?

---

*Нужлар ҳақида шахсий фикр*

## УЧҚИЧЛАРНИНГ СИРИ НИМАДА?

Фозилжон МАМАДАЛИЕВ — Тошкент автомобиль йўллари институти аспиранти, институт Ёш Олимлар Кенгаши раиси. Фалсафа, астрология, астрофизика, биомеханика, бионика, уфология ва техника фанларига қизиқади. Шеъриятнинг мухлиси.



Бизнинг асримизда катта шов-шувларга сабаб бўлаётган «Номаълум учувчи жисмлар» (НУЖ) ҳақида эшитмаган одам қолмади. Дастлаб уларнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигига инсоний табиатимиз бўйича иложсиз шубҳа билан қараган эдик. Бугунчи?

НУЖларнинг овозсиз, исталган тезликда, хоҳлаган йўналишда, ўзига қулай ва мақбул бир вазиятда ҳавода муаллақ ҳолатда тинч туриши ва ҳокозо имкониятлари ерликлар учун албатта ажабланарлидир. Бироқ, ўша сиз билан бизни қизиқтираётган НУЖларнинг сир-асрорларидан воқиф бўлиш бизга ҳанузгача насиб этаётгани йўқ.

Ҳар доимгидай одамлар асримизнинг ғаройиб бу воқелиги ҳақида ҳам ўзларининг турлича фикр-мулоҳазаларини, ғояларини изҳор этишмоқда. Аммо аниқ илмий далиллар даражасида бўлмаган бундай мулоҳазалар бу хусусда бирор тўхтамга келишга замин яратмади. Шундай бўлишига қарамасдан бу борада ерликлар умидсизликка тушганлари сезилмаётир, аксинча, НУЖларни ўрганишга бўлган қизиқиш, интилиш улар ҳақида фикрлар тобора ортмоқда.

Бугун одамлар орасида уларнинг қаердан келишлари мумкинлиги тўғрисида айрим фаразлар мавжуд. Кўпчиликнинг фикрича улар Қуёш системасидаги планеталардан эмас балки, галактикамизнинг бизга пинҳон бурчларидан келаётган эмиш. Айримлар эса содда қилиб: — «Марсдан келишаётгандир, чунки Марсни кузатилганда фаслий ўзгаришни англатадиган ранг алмашинувига астраномларимиз шоҳид бўлишган, демак: у ерда тирик табиат мавжудлиги эҳтимолдан холи эмас,» — дейишади.

Учинчи гуруҳ кишиларимиз борки, улар бу хусусда бошқача фикрдалар. Улар бизнинг галактикамиз самодаги энг ёш галактика эканини, мабода ўша сиз билан биз билган спиралсимон тараққиёт қонуни бутун коинот учун қатъий эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, ҳар қалай инсониятга нисбатан бир неча юз баробар юксак тараққиёт ва онг соҳиби бўлмиш ўзга сайёраликларни бизнинг галактикамиздан кўра «эскироқ» галактикаларга мансуб деб ҳисобланса нотўғри бўлмаслигини уқтиришади. Мен ўзим ҳам шахсан шунга ўхшаш фикрдаман.

Кўпроқ инженер-механикларни, конструкторларни, фазошуносларни ва умуман кўпчиликни ҳайратга солаётган «ўзга сайёраликлар» учқичларининг сир-асрори нимада эканлиги хусусидаги айрим фаразларимни келтирмоқчиман.

Гапни Марсдан ёки умуман Қуёш системасидан бошлайдиган бўлсак, унда учқичларнинг хусусиятларига қуйидагича ёндошиш маъқулроқ. Сир эмас, маълум бир мувозанатда айланаётган Қуёш системаси жисмлари (планеталари) ўзаро таъсир кучларига эга. Оддий мисол, Ойнинг таъсирида Ердаги океан ва денгиз сув сатҳлари ўзгариб туради. Ер ҳам бошқа сайёралар сингари ўз сиртига нисбатан ўзга жисмларни тортиш кучига эга. Шунинг учун ҳам ер муҳитида оғирлик кучи мавжуд.

Замонавий физиканинг уқтиришича, ер муҳити N шимолий ва S-жанубий магнит қутибларига эга. Агар бордию НУЖ Ерга яқинлашар экан унинг сиртига қўнмоқчи бўлса, айнан ана шу N шимолий ва S-жанубий магнит қутибларининг хусусиятларидан фойдаланади. НУЖга S-жанубий қутиб йўналишидан ер муҳитига киришга тўғри келса, унинг ясси тарелкасимон юзасида N шимолий қутибли майдон (S-га тескари) оқими ҳосил қилиниши менимча энг зарурий шартдир. Чунки шундай қилинганда турли табиатли қутиблар ўзаро тортишиб, НУЖ ер сиртига қўниш имкониятига эга бўлади. Борди-ю НУЖ шу S-қутиб йўналиши таъсирида ер сиртидан кўтарилмоқчи бўлса, тарелкасимон ясси юзаларида S-қутибли майдон оқими ҳосил қилинади. Натижада, табиати бир хил S-S қутиблар ўзаро итаришиб, НУЖ ер сиртидан кўтарилади. Энди унинг ҳаракат тезлигининг ўзгариши хусусида тўхталадиган бўлсак, қуйидаги фикрни тасдиқ учун келтириш жоиздир. НУЖлар ҳаракат тезлигининг ўзгариши, тарелкасимон юзаларда ҳосил қилинадиган магнит қутиблари оқимларининг қуввати интенсивлигининг ортиши ёки камайишига боғлиқ. Ернинг магнит қутиблари таъсир доирасида НУЖ ўз мувозанатини сақлаши учун ҳам пухта тадбирни қўллаётгани эҳтимолдан холи эмас. Менимча «ўзга сайёраликлар» бунинг учун ўз учқичларидан ер сиртига турли табиатдаги магнит оқимларини параллел равишда йўналтиришади. Аниқроғи, тарелкасимон ясси юза ўзининг бутун доиравий сирти бўйлаб айтайлик S-қутиб йўналишда ердан кўтарилиши учун S-магнит оқимини ҳосил қилса, мувозанатни таъминлаш учун эса, доиравий сирт марказидан оқим йўналишига параллел, интенсивлиги жиҳатдан кичикроқ N магнит оқимини ер сиртига йўналтиради. Шу йўл билан мувозанатга эришилиши мумкин.

Шундай қилиб, «ўзга сайёралик» фазогирлар ўз учқичларида ер муҳити шароитида исталган манёврни бажаришлари мумкин. Агар НУЖлар галактикамизнинг бизга пинҳон бурчларига ёки умуман бошқа галактикаларга мансуб деб ҳисобланса, уларнинг ҳаракат назариясига кенгроқ ғоялар ва фаразлар билан ёндошиш лозим бўлади. Чунки бу ҳолатда айрим галактикаларнинг кенгаяётганлигини (хусусан бизнинг галактика) айримларини торaяётганлигини, галактикалараро таъсир кучларининг табиатини, галактикалараро динамик ишқаланиш ҳамда айрим нисбийлик назарияларини эътиборга олмай НУЖларнинг ҳаракат қонунларига оид ишонарлироқ фаразларни, ғояларни чиқариш мушкул.

Фозилжон МАМАДАЛИЕВ.

---

*Қатра*

## ОҚЛИК

Қор ёғди. Ҳамма ёқ оққа бурканди. Баҳор кириб келган эрса-да, момиқ қор тағин бир бор кўнгилларга оқлик, бирла иликлик ташлаб кетди.

Қорни яхши кўраман. Оёғим тагида пардек қор ғижирлайди. Унинг сўнгсиз сукунатига қулоқ соламан, қалбимга аллақандай ботиний шодумонлик келгандек бўлади. Қандай ажойиб, нақадар сирли ва бағоятда нафис бу қорнинг сукунати.

Ич-ичимдан ана шу оқлик билан ҳечам хайрлашгим, ажрашгим йўқ. Кўз олдимга оқ булут, оқ гул ва келинчакнинг оппоқ ҳарир рўмоли-ю, оқ чечаклар келади. Уларни қалбимга яқин тутиб, аста-секин одимлайман.

Ўйлайман... Оқ ниятлар, оқ кўнгиллар кўп бўлсин. Қаролик бўлмасин. Бехосдан меҳрибон онажонимнинг пурмаъно сўзлари ёдимга тушади: «Қизим оқлик яхши, поклик яхши. Ҳамма ишинг, қалбинг покиза ва ҳалол бўлсин. Болам шуни унутмаки, ота-онанинг оқ қилиши фарзанднинг охиратини куйдиради».

Бугун—теварак-атрофимни оқлик қуршаб олган кунда янада чуқурроқ англадим бу сўзларнинг маъносини.

Яқинда қўшнимиз якка-ю ёлғиз ўғлини оқ қилди. Қариганида, оёқ-қўлидан мадор кетганида бирон марта йўқламаган ўғлидан воз кечди ота. Унинг кўнгли доғланди, кўзлари ёшланди. Назаримда, бу ожизлик ва ҳолсизлик ёшлар эмас, балки ўғилга нисбатан нафрат ҳамда ачиниш ёшлари эди. Ота бор меросини қизларига қариганида оқ ювиб, оқ тараган жигаргўшаларига улашди.

...Яна ўйлайман. Оппоқ қор, оқ гул, кўнгил ва келинчакнинг оппоқ нафис қўйлаги. Бир тарафда ...

Дилбар,
Хоразм вилояти.

